

## ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ФАЛСАФА МАКТАБИ

Собиржон Исмоилов

Гулистан Давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сўз Иброҳим Мўминов фалсафа мактаби ҳақида боради. Муаллиф ўз мақоласида ушбу мактаб намоёндалари ва уларнинг бой илмий меъросининг аҳамияти, фалсафий мактабнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумотлар берган ҳамда бу фалсафа мактабининг фаолияти ҳақида хуносалар чиқарган.

**Калит сўзлар:** фалсафа, Иброҳим Мўминов, фалсафий мактаб, илмий меърос, ўзига хос жиҳатлар, илмий фаолият, хуносалар.

### ABSTRACT

This article is about the philosophical school of Ibragim Muminov. In his article, the author provides information about the representatives of this school and the significance of their rich scientific heritage, the specifics of the philosophical school, draws conclusions about the activities of this philosophical school.

**Keywords:** philosophy, Ibragim Muminov, philosophical school, scientific heritage, features, scientific activity, conclusions.

Жаҳон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида мамлакатимиз алоҳида ўрин тутади. То ҳозиргача Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча йўналиш ва соҳалари, жумладан ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида ўзининг сезиларли изини қолдирган.

Бугунги кунда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

“Муайян миллат ўз фалсафасини аввал ўзи чукур ўрганиши, дунёқарашнинг асосига айлантириши, сўнгра эса, зарурат бўлса бошқаларга ҳам тавсия этиши ва тарғиб қилиши мумкин”[1:4], деб ёзди таниқли файласуф К.Назаров.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир

инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Бу жараёнда эса миллий фалсафамиз намоёндалари ва уларнинг бой илмий меъроси алоҳида аҳамият касб этади:

Биринчидан, ўзбек фалсафасининг ва миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш жараёни халқимизнинг бой маънавий-фалсафий меросини ҳар томонлама ўрганиш, кенг халқ оммасига етказишини тақозо қиласи.

Иккинчидан, ўзбек фалсафаси катта қисмини исломий қадриятларимиз: Куръони карим, Ҳадиси шарифлар, тафсирлар, ва тасаввуфий мерос ташкил қиласи. Бу эса ҳозирги давр халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қиласи.

Учинчидан, миллий фалсафий меросимизнинг муҳим таркибий қисмини И.Мўминов фалсафий мактаби ва унинг намаёндаларининг таълимоти ва шу жумладан айнан бизнинг Ватанимизда шаклланиб, эндиликда бутун дунёга тарқалган, жаҳон илм-фани, маданияти, умуминсоний қадриятлари тараққиётига катта ҳисса кўшган ўзбек фалсафа мактаби ташкил этади.

Биз И.Мўминов фалсафий мактабининг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхталмоқчимиз холос.

“Ўзбекистонда фалсафий фикр тараққиётида Иброҳим Мўмин мактаби қарор топгани маълум. Бу мактабнинг асосий тамойиллари: ахлоқий поклик, мантиқий изчиллик, миллий теранлик ва даврий кўламдорлик”-деб мушоҳада қиласи Ғайбуллоҳ ас-Салом”[3:242].

Домланинг фалсафий мактабга асос солғанлигини қўйидаги ўзига хос жиҳатлар бир қадар асослаб беради:

- ҳар қандай илмий мактабни асоси, маркази бўлади. Масалан, бу Аристотель фалсафий мактабида Ликкей мактаби, рус илмий мактабида Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Улуғбек илмий мактабида Улуғбек расадхонаси, Иброҳим Мўминов фалсафий мактабида эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Домла бевосита шу илмий даргоҳнинг ташкилотчиси ва биринчи раҳбари эди. Гарчи, домланинг мактаб яратиш ғояси Самарқандда ишлаб юрган кезларида бошланган бўлса-да, асосий иш Тошкентдаги фаолиятида бошланди. 1956 йил Тарих ва археология институти таркибida фалсафа сектори тузилди. 1957 йил шу институтнинг фалсафа ва ҳуқуқ секторлари асосида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилди. Шу

бўлим базасида 1958 йил Ўзбекистон ҳукуматининг 1 май қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Фалсафа ва ҳукуқ институти очилди;

-ҳар қандай мактабда таълим берилади, бир қатор қўлланма ва дарсликлар ўрганилади. Буни чуқур англаган домла бу масалани ҳал этишга чоғланган эди. 1958 йилда “Диалектик материализм масалалар”, 1962 йилда “Тарихий материализм масалалари”, 1964 йилда “Илмий атеизм асослари”, 1967 йилда “Марксча-ленинча этика асослари”, 1968 йилда “Марксча-ленинча философия асослари” дарсликлири унинг бевосита раҳбарлигига чоп этилди. Бу асарлар то мустақиллик йилларигача бир неча марта қайта нашр этилиб, фалсафа йўналишида асосий дарслик ва қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинди;

-ҳар бир мактабни ўқувчилар бўлади. Иброҳим Мўминов мактабининг ўқувчилари сафида бўлажак таникли файласуф олимлар: Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Мўбин Баратов, Сайд Шермуҳамедов, Абулҳай Валиев, Ҳайдар Пўлатовлар, бўлажак профессорлар: Омонулла Файзуллаев, Ҳамид Воҳидов, Абдураҳмон Ортиқов, Наим Фойибов, доцент Анвар Шарипов ва бошқалар бор эди. Улар домла бошлаган ишларни энига ва бўйига кенгайтирдиларки, бу илм тоғи ва тоғ тизмаси кўкка бўй чўзиб, уни дунё илм аҳли тан ола бошлади. Айни пайтда Ўзбекистонда 3000 дан ортиқ ва қардош республикалардаги домланинг минглаб ўғил ва невара шогирдлари фаолият кўрсатаётидики, улар шу мактаб ўқувчилари бўлганликларидан фахрланадилар.

Домлани илмий фолияти ва мактаби тўғрисида фикр билдирад экан, профессор Н.Ғойбов ўзининг “Донишманд” рисоласида қўйидаги муҳим илмий хulosаларни беради”[4:36-37]: -у жаҳон фалсафаси тарихий тараққиётининг ажралмас ва мазмунан бой қисмидир; -инсон мавзусига фалсафий муаммо сифатида эътибор қаратди; -ижтимоий-фалсафий ғоялар бирмунча ривожлантирилди; -билиш жараёни масалаларига аҳамият берилди; -диалектиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса кўшди; -пантеизм таълимотининг шарқона йўналишлари (ваҳдати вужуд, ваҳдати мавжуд) фалсафий илмлар тараққиётига ўз ҳиссасини кўшди; -фалсафа тараққиётida тасаввуф таълимоти (тасаввуф фалсафаси) ғоялари ўзига хос аҳамиятга эга.

Иброҳим Мўминов фалсафа мактаби юқоридаги хусусиятлари билан жаҳон фалсафаси тараққиётига муносиб ҳиссасини кўшди.

Домла Иброҳим Мўминовнинг мазмунли ва самарали ҳаёт-фаолияти ва фалсафа мактаби ҳақида бизнингча қуидаги хulosаларни чиқариш мумкин:

-домла ўз фалсафий мактабига асос солган инсон. Бу мактабни “Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби” ёки “Ўзбек миллий фалсафа мактаби” дейиш мумкин;

-домла асос солган “Ўзбек миллий фалсафа мактаби” жаҳон фалсафаси тарихида алоҳида ўрин ва мавқега эга бўлган юонон, рим, хитой, хинд, немис, рус фалсафий мактаблари билан бир қаторда турадиган мактабдир;

-домла Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби вакиллари айни пайтда аждодлар анъанасига содик қолган ҳолда, XXI асрда ҳам Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб, Иброҳим Мўминов анъаналарини давом эттирмоқдалар;

-домла Иброҳим Мўминов нафақат Марказий Осиё, балки инсоният тарихида ҳам “...энг буюк жасорат-... маънавий жасорат” кўрсатган башар фарзандларидан биридир. Буни биз домлани Амир Темур номини тиклаш жараёнидаги фаолиятида кўришимиз мумкин;

-домла Иброҳим Мўминов донишмандлар юрти Мовароуннахр, Марказий Осиё, Туркистон ўлкасинининг фарзанди, буюк бухорийлар: Имом Бухорий, Ҳафзи Кабир Бухорий, Ибн Сино, Исмоил Сомоний, Абу Бакр Наршахий, Абдулхолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Дониш, Фитрат, Садриддин Айнийларнинг издоши, улар ишининг давомчисидир;

-Иброҳим Мўминов нафақат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизими, ўзбек халқи, Ўзбекистон учун, балки, қардош Марказий Осиё халқлари учун ҳам том маънодаги устоздир.

-домла Иброҳим Мўминов ўз ҳаётининг асосий шиорларидан бири “Темурона яшаш ва ишлаш” ҳикмати бўлган. Бу ва алломанинг бошқа пурҳикмат ўғитлари биз авлодларнинг ҳар биримиз учун ибрат, сабоқ ва илмий мактабдир;

- домла Иброҳим Мўминов илмий мероси ва у асос солган мактаб минг ийллар фаолият кўрсатажакки, оддий миллат фидоийси ва фарзанди учун бундан катта баҳт йўқ.

Хозирги мустақилликка эришган давлатимизни мустаҳкамлаш, миллий ғурур туйғусини ҳар томонлама шакллантириш, мустақил тарзда тафаккур этиш, миллий мағкурамизни кишилар онгига сингдириш, уларда давримизга хос ва мос дунёқарашни яратиш каби масъулиятли вазифалар ўз ечимини кутаётган бир пайтда



Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби вакилларнинг ўрни яққол сезилиб туради.

Зеро, академик С.Шермуҳамедов ёзганларидек: “И.Мўминов асос солган илмий фалсафий мактаб ўз фаолиятини авж олдириш учун ҳамма имкониятларга эга бўлган ҳолда ўз асосчиси айтган ҳикматни муқаддас қадрлайди: инсонга, ўз миллатига ва умуман Ўзбекистон халқига меҳр ва хурмат, унинг гуллаб яшнаши учун хизмат қилиш ва юксак масъулият” ”[3:17], билиб Ватанимиз равнақига хизмат қилиб келмоқда.

## REFERENCES

1. Ўзбек фалсафаси тарихи. (III жилд). –Т.: Muharrir nashriyoti, 2020.
2. Шермуҳамедов С. Халқ маънавияти ва маърифатига бахшида этилган баракали умр. –Т.: Фан, 2004.
3. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. –Т.: Шарқ, 1997.
4. Фойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
5. Мухамеджанова, Лалихон Ашуралиевна (2019) «РОЛЬ НРАВСТВЕННОСТИ В ОБЩЕСТВЕННОМ СОЗНАНИИ», Научный вестник Наманганского государственного университета : Вып. 1: Вып. 9 , статья 17.